

Товарлар ва хизматлар бозори

2016 йил январь-сентябрда чакана товар айланмаси 2645,1 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,0 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	2645,1	115,0	100,0
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	2,2	100,6	0,1
нодавлат мулки	2642,9	115,0	99,9
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	2276,7	121,4	86,1

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2016 йил январь-сентябрда 154,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,8 фоизга камайган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 1999,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21,2 фоизга ошган.

2016 йил январь-сентябрда чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	2645,1	115,0	100,0
шу жумладан:			
савдо корхоналари	154,2	77,2	5,8
Якка тартибдаги тадбиркорлик	1999,5	121,2	75,6

	млрд. сўм	2015 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
уюлмаган сектор (ташқил этилмаган савдо фаолияти)	491,4	107,1	18,6

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 60,6 млрд. сўмга етди ёки 2015 йил январь-сентябрга нисбатан 4,5 фоизга ошган.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 13,2 фозга ошди ва 2833,8 минг сўмни ташқил этди (2015 йил январ сентябрь ойиларида 2336,3 минг сўмни ташқил этган).

2016 йил январь-сентябрда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 1944,1 млрд. сўмни ёки 2015 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш 115,5 фоизни ташқил этди, шу жумладан қишлоқ жойларида 487,6 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 25,1 фоизини ташқил қилди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2016 йилнинг январь-сентябрида қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2015 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	1944,1	115,5	100,0
Шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	115,4	114,0	5,9
молиявий хизматлар	178,8	121,4	9,2
транспорт хизмати	509,5	112,6	26,2
шу жумладан автотранспорт хизматлари	454,6	113,5	23,4
яшаш ва овқатланиш хизматлари	74,2	103,6	3,8

	млрд. сўм	2015 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз хисобида	яқунга нисбатан фоиз хисобида
савдо хизматлари	682,3	118,5	35,1
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	44,8	115,5	2,3
таълим соҳасидаги хизматлар	71,7	115,2	3,7
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	16,9	111,0	0,9
ижара ва прокат хизматлари	40,3	117,0	2,1
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	43,1	117,5	2,2
бошқа шахсий хизматлар	54,5	118,4	2,8
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	14,6	118,8	0,8
бошқа турдаги хизматлар	97,9	109,6	5,0

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 35,1 фоизи), транспорт (26,2 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (121,4 фоиз), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (118,8 фоиз), савдо хизматлари (118,5 фоиз), бошқа шахсий хизматлар (118,4 фоиз)да ҳамда компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари (117,5 фоиз)да ўсиш суръати юқори бўлди.

2016 йил январь-сентябрида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:

